ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.3.30.12.2019.FM 01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ОТЕМУРАТОВ БАЙРАМБАЙ ПЕРДЕБАЕВИЧ

КЎП ЎЛЧАМЛИ КОМПЛЕКС АНАЛИЗДА БИР ЎЛЧАМЛИ ГОЛОМОРФ ДАВОМ ЭТТИРИШ ХОССАСИГА ЭГА ФУНКЦИЯЛАР ВА ЧЕГАРАВИЙ МОРЕРА ТЕОРЕМАСИ

01.01.01 –Математик анализ
(физика-математика фанлари)

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020 йил

УДК: 517.55

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.3.30.12.2019.FM 01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ОТЕМУРАТОВ БАЙРАМБАЙ ПЕРДЕБАЕВИЧ

КЎП ЎЛЧАМЛИ КОМПЛЕКС АНАЛИЗДА БИР ЎЛЧАМЛИ ГОЛОМОРФ ДАВОМ ЭТТИРИШ ХОССАСИГА ЭГА ФУНКЦИЯЛАР ВА ЧЕГАРАВИЙ МОРЕРА ТЕОРЕМАСИ

01.01.01– Математик анализ
(физика-математика фанлари)

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020 йил

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.DSc/FM152 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (http://ik-fizmat.nuu.uz/) ҳамда «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Кытманов Александр Мечиславович** физика-математика фанлари доктори, профессор Сибир федерал университети (Россия)
Расмий оппонентлар:	**Рахимов Абдуғофур Абдумажидович** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Имомкулов Севдиёр Акрамович физика-математика фанлари доктори
	Джумабаев Давлатбай Халилаевич физика-математика фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	**Қарши давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.3.30.12.2019.FM 01.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «11» июнь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.(+99871)227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (______ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.(+99871)246-02-24).

Диссертация автореферати 2020 йил «____» _______________ куни тарқатилди.

(2020 йил «____» _______________ даги _______ рақамли реестр баённомаси).

А.С.Саъдуллаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
ф.-м.ф.д., академик

Н.К.Мамадалиев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
ф.-м.ф.ф.д.(PhD)

Р.Н.Ғаниходжаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси
ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар аксарият ҳолларда функциялар назариясида голоморф функцияларни интеграл ифодалашлар ва функцияни голоморф давом эттиришларни тадқиқ қилиш каби масалаларга келтирилади. Голоморф функцияларни интеграл ифодалашлар кўп ўлчамли комплекс анализда кучли конструктив қурол ҳисобланади. Тадбиқларнинг аксарият қисми ядроси ташқи ўзгарувчи бўйича голоморф бўлган интеграл ифодалашларга тўғри келади. Аммо, кейинги вақтларда кенгроқ соҳалар синфи учун яроқли бўлган, ядроси голоморф бўлмаган интеграл ифодалашлар ҳам ривожлана бошлади (Бохнер-Мартинелли, Коши-Фантаппье, логарифмик қолдиқ). Интеграл кўринишларни қўллаш ғояси комплекс тўғри чизиқ ва эгри чизиқ бўйлаб бир ўлчамли голоморф давом эттириш хоссасига эга функцияларни ўрганишда жуда ҳам самарали бўлиб чиқди. Шунинг учун ҳам кўп ўлчамли комплекс анализда интеграл ифодалаш ва унинг тадбиқига оид тадқиқотларни ривожлантириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳонда кўп ўлчамли комплекс фазода функцияларни голоморф давом эттириш масалаларида интеграл ифодалашларнинг чегаравий хоссаларини ўрганиш ва уларни тадбиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада: бир ўлчамли голоморф давом эттириш хоссасига эга интегралланувчи функцияларни тадқиқ қилиш; интегралланувчи функцияларни соҳа чегарасидан голоморф давом эттириш шартларини аниқлаш; доиравий соҳаларда бир ўлчамли голоморф давом эттириш хоссасига эга интегралланувчи функцияларни таснифлаш; классик соҳаларда интегралланувчи функциялар учун кўп ўлчамли Мореранинг чегаравий теоремаларини тадбиқ этиш мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларниниг илмий ва амалий тадбиқига эга бўлган математик ва комплекс анализнинг долзарб йўналишларига эътибор кучайтирилди. Жумладан, соҳа чегарасида интегралланувчи функцияларни голоморф давом эттириш ва уларнинг қўлланилиши борасида салмоқли натижаларга эришилди. Математика, физика, амалий математика соҳасида халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш Республика олимларининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгиланган[1]. Қарор ижросини таъминлашда илмий натижалардан илм-фаннинг турдош соҳаларида фойдаланиш мақсадида функцияларни голоморф давом эттириш назариясини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4387-сонли «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 292-сонли қарори.

давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сонли «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисидаги» Қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи[2].

Кўп ўлчамли комплекс фазода функцияни аналитик ва функцияларни фиксирланган йўналиш бўйлаб голоморф давом эттиришга оид тадқиқотлар ва илмий изланишлар етакчи хорижий давлатларнинг илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Сибир федерал университети, Новосибирск давлат университети, Москва давлат университети, Россия ФА В.А. Стеклов номидаги математика Институти, Россия ФА Сибир бўлими ҳисоблаш математикаси ва математик геофизика Институти (Россия), Princeton University, Baldwin Wallace University, University of North Carolina, Washington University (АҚШ), Potsdam University (Германия), Holon institute of technology, Bar-Ilan University (Исроил), Sapienza University of Rome, Universit`a di Padova, via Trieste (Италия), Математика институти (Любляна, Словения) олиб борилмоқда.

Кўп ўлчамли комплекс фазода чегараси силлиқ бўлган соҳалар учун функцияни аналитик давом эттириш ва махсус интегралларнинг чегаравий хоссаларини ўрганишга оид дунёда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор долзарб масалалар ечилган, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: Бохнер (Princeton University (АҚШ)) ва Мартинелли (Sapienza University of Rome (Италия)), мустақил равишда голоморф функцияларнинг компакт махсус хусусиятларини бартараф этиш ҳақидаги Гартогс теоремасини исботлашди; Бохнер эса, аслини олганда, чегараси силлиқ бўлган соҳалар ва соҳа чегарасида узлуксиз бўлган функциялар учун Гартогс теоремасини исботлаган; Вайнсток (Baldwin Wallace University (АҚШ)) уни чегараси чексиз марта силлиқ бўлган соҳаларда узлуксиз бўлган функциялар учун исботлади; Л.А.Айзенберг (Bar-Ilan University (Исроил)) ва А.М.Кытмановнинг (Сибирь Федерал университети (Россия)) ишларида $\mathbf{C}^n$

---

[2] Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.math.prinston.edu, www.northcorolina.edu, www.umb.edu, www.osu.edu, www.stonybrook.edu, www.bw.edu, www.unirome1.it, www.uni-wuppertal.de, www.uni-postdam.de, www.sfu-kras.ru, www.mi.ras.ru, www.msu.ru, www.nsu.ru, www1.bin.ac.il, www.ac-grenoble.fr/stendhal/, www.upmc.fr, http://mi.mathnet.ru/rus/msb/v136/i4/p567 ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

да берилган силлиқ чегарали чегараланган D соҳа чегарасида ва чегара бўйича интеграллашда Бохнер-Мартинелли ядросига ортогонал бўлган функцияни голоморф давом эттириш мумкинлиги исботланган.

Морера теоремасининг глобал чегаравий вариантлари А.М.Кытманов ва С.Г.Мысливец (Сибир Федерал университети (Россия)) ишларида, М.Л.Аграновский (Holon institute of technology (Исроил)) ва И.Глобевник (Математика институти (Любляна, Словения)) ишларида қаралди. С.Г.Мысливец, шунингдек, комплекс эгри чизиқлар бўйлаб Морера хоссасига эга функцияларни тадқиқ қилди.

Дунёда бугунги кунда кўп ўлчамли комплекс анализда интеграл ифодаларни тадқиқ этиш ва уларнинг қўлланилиши бўйича бир қатор изланишлар, жумладан: Бохнер-Мартинелли интегралининг чегаравий хоссалари ва унинг бир ўлчамли голоморф давом эттириш хоссасига эга функцияларни голоморф давом эттириш масалаларига татбиқлари; Бохнер-Мартинелли интегралининг сакраши ҳақидаги узлуксиз функциялар учун теоремалар; комплекс тўғри ва эгри чизиқлар бўйлаб бир ўлчамли голоморф давом эттириш хоссасига эга функциялар учун Лере (Коши-Фонтаппье), Пуассон, Коши-Сеге (Хуа Локен), логарифмик қолдиқ интеграл формулалари татбиқлари; кўпҳилликлар, гиперсиртларда CR-функцияларнинг аналитик ифодаси; Морера теоремасининг кўп ўлчамли чегаравий аналоглари; чегараланган соҳанинг чегарасида берилган функциянинг шу соҳа ичкарисига голоморф давом этиши; классик ва чегараланмаган соҳаларда чегаравий Морера теоремалари каби устивор йўналишларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бир ўлчамли голоморф давом эттириш ҳақидаги теоремалар ва Морера типидаги теоремалар бирқатор математиклар томонидан ўрганилди. Аммо бу ишларда фақат соҳа чегарасида узлуксиз функциялар қаралди. Интегралланувчи функциялар синфи учун улар ўрганилмаган эди.

Комплекс текисликда бир ўлчамли голоморф давом эттириш хоссасига эга функциялар билан боғлиқ натижалар тривиал ҳисобланади, чегаравий Морера теоремалари эса мавжуд эмас. Шу сабабли, диссертацияда ўрганилаётган муаммолар асосан кўп ўлчамли.

Тадқиқот мавзусига оид биринчи натижа М.Л.Аграновский ва Р.Е.Вальский томонидан олинган: улар шарда бир ўлчамли голоморф давом эттириш хоссасига эга функцияларни ўрганишган. Бу натижанинг исботи шарнинг автоморфизмлар гуруҳи хоссаларига асосланган.

Радоннинг комплекс алмаштириши ёрдамида Е.Л.Стаут томонидан Аграновский ва Вальский теоремаси силлиқ чегарали ихтиёрий чегараланган соҳалар учун исботланди. Стаут теоремасининг муқобил исботи ядроси голоморф бўлмаган Бохнер–Мартинелли интеграл кўриниши ёрдамида А.М.Кытманов томонидан олинди. Интеграл кўринишларни қўллаш ғояси комплекс тўғри чизиқ ва эгри чизиқ бўйлаб бир ўлчамли голоморф давом эттириш хоссасига эга функцияларни ўрганишда жуда ҳам самарали бўлиб чикди.

Морера хоссаси бу – берилган функциянинг соҳа чегараси билан комплекс тўғри чизиқларнинг (ўлчами 2 га тенг бўлган махсус кўринишдаги ҳақиқий текисликларнинг) кесишмасининг чегараси бўйича олинган интегралининг нолга тенглигидан иборатдир. Айтиш жоизки, агарда функция бир ўлчамли голоморф давом эттириш хоссасига эга бўлса, у Морера хоссасига эга бўлади. Бунинг тескариси, умуман олганда, ўринли эмас.

Айтайлик, D – чегараси ∂D силлиқ боғламли (C^2 синфига тегишли) бўлган, $\mathbb{C}^n$ $(n>1)$ фазодаги чегараланган соҳа бўлсин. Гартогснинг классик теоремаси тасдиқлашича, агарда D да берилган f функциянинг координата текисликларига параллель бўлган ихтиёрий комплекс тўғри чизиққа торайиши голоморф бўлса, у ҳолда f функция D соҳада голоморф бўлади. Табиий савол пайдо бўлади: айтайлик, f функция фақат ∂D чегарада берилган бўлсин; соҳа чегарасининг бир ўлчамли комплекс кесимларининг қандай оиласи учун, f функциянинг кесимлар ичига голоморф давомлари мавжудлигидан унинг бутун соҳага голоморф давоми мавжудлиги келиб чиқади? Чегараси икки марта силлиқ бўлган комплекс соҳани кесиб ўтувчи барча комплекс тўғри чизиқлар оиласи бунинг учун етарли бўлади. Бу тасдиқ $B(0,1)$ шар учун М.Л. Аграновский, Р.Э. Вальский, А. Нагель ва У. Рудин ишларида исботланган. Чегараси икки марта силлиқ бўлган ихтиёрий соҳа учун бундай натижа Е.Л.Стаут томонидан олинган.

Е. Гринберг, И. Глобевник ва Е.Л. Стаут ихтиёрий чегараланган соҳа учун Мореранинг чегаравий теоремасини исботлашди. И. Глобевник ва Д.Говекар Морера теоремасининг локал вариантларини олган. Комплекс эгри чизиқлар бўйлаб Морера хоссасига эга функциялар С.Г. Мысливец ишларида ўрганилган.

А.М. Кытманов, С.Г. Мысливец ишларида, узлуксиз функциялар учун комплекс ва ҳақиқий текисликлар бўйлаб Морера теоремасининг глобал чегаравий аналоги ўрганилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти мавзуси Қорақалпоқ давлат университетининг «Математик анализ» ва «Алгебра, геометрия ва функционал анализ» кафедраларидаги ОТ-4-27 «Йордан учликлари предуал фазоларинииинг тавсифланиши, сиғимлар фазоси ва функцияларни голоморф давом эттириш» (2017-2020 йиллар) мавзусидаги илмий-тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади интегралланувчи функциялар учун кўп ўлчамли Мореранинг чегаравий теоремаларини олиш ва бир ўлчамли голоморф давом эттириш хоссасига эга интегралланувчи функциялар учун олинган натижаларни фукцияларни голоморф давом эттириш масалаларига қўллашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қўйидагилардан иборат:

• соҳа чегарасида интегралланувчи функцияларни голоморф давом эттириш шартларини олиш;

• очиқ тўпламдан ўтувчи комплекс тўғри чизиқлар оиласи бўйлаб бир ўлчамли голоморф давом эттириш хоссасига эга интегралланувчи функцияларнинг голоморфлигини исботлаш;

• интегралланувчи функцияларни голоморф давом эттириш учун етарли бўлган комплекс тўғри чизиқлар оиласи структурасини тадқиқ этиш;

• очиқ тўпламдан ўтувчи комплекс тўғри чизиқлар бўйлаб интегралланувчи функциялар учун Морера теоремаларининг кўп ўлчамли аналогини олиш;

• комплекс эгри чизиқлар бўйлаб интегралланувчи функциялар учун кўп ўлчамли Морера теоремаларининг чегаравий аналогини исботлаш;

• соҳа чегарасида берилган ва соҳадаги чекли сондаги нуқталардан ўтувчи комплекс тўғри чизиқлар оиласи бўйлаб бир ўлчамли голоморф давом эттириш хоссасига эга функцияларнинг шу соҳа ичкарисига голоморф давом этиши билан боғлиқ натижалар олиш;

Тадқиқотнинг объекти. Кўп комплекс ўзгарувчили голоморф функциялар, функциянинг соҳа чегарасидан голоморф давоми, L^p синфидаги функцияларнинг интеграл ифодалари тадқиқот объекти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети соҳа чегарасида берилган функцияларни голоморф давом эттириш теоремаларига мос келувчи интеграл ифодалашлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари: голоморф функцияларнинг интеграл ифодалари, кўп ўлчамли ҳақиқий ва комплекс анализ усуллари, Лебег интеграллари ва L^p фазо хоссалари қўлланилади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

• бирўлчамли голоморф давом эттириш хоссасига эга интегралланувчи функциялар синфи учун Стаут теоремаси умумлаштирилган;

• берилган очиқ тўпламдан ўтувчи комплекс тўғри чизиқлар бўйлаб бир ўлчамли голоморф давом эттириш хоссасига эга интегралланувчи функциялар учун Аграновский ва Семенов теоремасининг умумлашмаси олинган;

• ҳосил қилувчи кўпхиллик ўсмасидан ўтувчи комплекс тўғри чизиқлар оиласи бўйлаб бир ўлчамли голоморф давом эттириш хоссасига эга интегралланувчи функциялар, Харди синфидаги функциягача голоморф давом эттирилиши исботланган;

• берилган очиқ тўпламдан ўтувчи комплекс тўғри чизиқлар бўйлаб интегралланувчи функциялар учун Морера теоремаси исботланган;

• комплекс эгри чизиқлар бўйлаб интегралланувчи функциялар учун Морера теоремасининг кўп ўлчамли аналоги олинган;

• классик соҳаларда интегралланувчи функциялар учун чегаравий Морера теоремасининг кўп ўлчамли аналоглари исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари бир ўлчамли голоморф давом эттириш хоссасига эга интегралланувчи функциялар учун исботланган теоремалар ва Мореранинг кўп ўлчамли теоремаларининг кўп ўлчамли комплекс анализдаги интеграл ифодалашлар назарияси масалаларига, Бохнера-Мартинелли типидаги интегралларнинг сакрашларига, шунингдек, математик физиканинг чегаравий масалаларини ечиш усулларида қўлланилиши мумкинлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги математик анализ, функционал анализ ва комплекс ўзгарувчили функциялар назарияси усулларидан фойдаланилганлиги ҳамда математик мулоҳазаларнинг қатъийлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чегараланган соҳаларда функцияларни голоморф давом эттириш ва интеграл ифодаларнинг чегаравий хоссалари билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишда олинган илмий натижалар чегараси силлиқ чегараланган соҳаларда бир ўлчамли голоморф давом эттириш хоссасига эга функцияларга боғлик турли хил масалаларни ечишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертация тадқиқоти жараёнида олинган натижалар қуйидаги йўналишларда амалиётга жорий қилинган:

– Гартогс-Бохнернинг классик теоремасини умумлаштирувчи бир ўлчамли голоморф давом эттириш хоссасига эга интегралланувчи функцияларни соҳа чегарасидан голоморф давом эттириш шартлари РФФИнинг «Кўп ўлчамли комплекс анализ» мавзусидаги 18-51-41011 рақамли гранти доирасидаги узлуксиз функциялар учун олинган натижаларни кенгайтиришда қўлланилган (Сибир федерал университетининг 2020 йил 25 майдаги 178-сонли маълумотномаси, Россия). Илмий натижанинг қўлланилиши Бохнер-Мартинелли интеграли билан ифодаланувчи функцияларни голоморф давом эттириш ҳақидаги теоремаларни умумлаштириш имконини берган;

– соҳа чегарасида интегралланувчи функцияларни голоморф давом эттириш «Ноалгебраик тенгламалар системалари, илдизларнинг даражали йиғиндилари ва компьютер алгебраси» мавзусидаги 15-01-00277 рақамли хорижий грантда соҳа чегарасидаги мураккаброқ махсус ҳолатлар ҳақидаги масалаларни ечишда қўлланилган (Сибир федерал университетининг 2020 йил 25 майдаги 176-сонли маълумотномаси, Россия). Соҳа чегарасида интегралланувчи функцияларни голоморф давом эттириш ноалгебраик тенгламалар системаси нолларининг даражалар йиғиндисини қуриш имкониятини берган;

– чегаравий Морера теоремалари «Кўп ўлчамли интеграл алмаштиришлар ва уларнинг комплекс аналитик геометрия ва дифференциал ва айирмалар тенгламалари назариясига қўлланилиши» мавзусидаги 14-01-00544 рақамли грантда чегарада берилган функциялар учун Бохнер-Мартинелли интеграли хоссаларини ўрганишда қўлланилган (Сибир федерал университетининг 2020 йил 25 майдаги 177-сонли маълумотномаси, Россия).

Чегаравий Морера теоремаси ва соҳа чегарасида интегралланувчи функцияларни голоморф давом эттириш гиперсиртлардаги интеграл операторлар алгебрасини таснифлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 5 таси хорижий ва 9 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисм, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссетациянинг ҳажми 186 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий моҳияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг I боби ёрдамчи ҳисобланади. У ерда комплекс тўғри чизиқ бўйлаб голоморф давом эттиришнинг асосий принциплари, маълум натижалар ва ушбу йўналишдаги ечилмаган масалалар келтирилади. Шунингдек, $f \in L^p(\partial D)(p \geq 1)$ синфига тегишли функцияларнинг интеграл формулаларнинг асосий хоссалари ўрганилади, уларнинг комплекс тўғри чизиқлар ва гиперсиртлар бўйлаб голоморф давом эттириш муаммоларига тадбиқ қилиш усуллари келтирилади. Келтирилган натижалар. уларнинг интегралланувчи функциялар синфида қўлланилиш усуллари кейинчалик асосий натижаларни исботлашда фойдаланилади.

«Бир ўлчамли голоморф давом эттириш хоссасига эга интегралланувчи функциялар ҳақида» деб номланувчи иккинчи боб комплекс тўғри чизиқлар оиласи бўйлаб бир ўлчамли голоморф давом эттириш хоссасига эга интегралланувчи функциялар синфини ўрганишга бағишланган.

§2.1 да очиқ тўпламдан ўтувчи комплекс тўғри чизиқлар оиласи бўйлаб бир ўлчамли голоморф давом эттириш хоссасига эга интегралланувчи функциялар қаралган.

Айтайлик, $D-$ чегараси ∂D икки марта силлиқ боғламли бўлган, $\mathbb{C}^n$ $(n>1)$ фазодаги чегараланган соҳа бўлсин.

$f\in L^p(\partial D)$ функцияси учун Бохнер-Мартинелли интегралини

$$F(z)=\int\limits_{\partial D} f(\zeta)U(\zeta,z),\quad z\notin\partial D$$

орқали белгилаймиз.

Бу функция соҳа ташқарисида гармоник бўлади.

Теорема 2.1.1. *Фараз қилайлик $V-$ $\mathbb{C}^n\setminus D$даги очиқ тўплам ва $f\in L^p(\partial D), p\geq 2$ функция Vни кесиб ўтувчи ва D соҳадан ўтувчи деярли барча комплекс тўғри чизиқлар бўйлаб бир ўлчамли голоморф давом эттириш хоссасига эга бўлсин. У ҳолда f функция $F\in H^p(D)$ нинг нормал чегаравий қиймати бўлади.*

Диссертант томонидан ушбу теорема V тўплами D соҳага тегишли очиқ тўплам бўлган ҳолда аввалроқ исботланган эди. Таъкидлаш жоизки, $V\subset\mathbb{C}^n\setminus D$ ва $V\subset D$ ҳолларда теореманинг исботлари бир-биридан фарқ қилади. Бундан ташқари, очиқ тўпламни $\mathbb{C}^n\setminus\overline{D}$ тўпламида ётувчи Γ ҳосил қилувчи кўпҳиллик ўсмаси билан алмаштириб, **теорема 2.1.1** ни яна да кучайтириш мумкин (келгуси параграфдаги **теорема 2.2.1**).

Теорема 2.1.1 ни исботлашда қўйидаги тасдиқлар фойдаланилади.

Лемма 2.1.1. *Агар $z\in V$ нуқта ва деярли барча $b\in\mathbb{C}\mathbf{P}^{n-1}$ лар учун $f\in L^p(\partial D)$ функцияси $z\in\mathbb{C}^n$ нуқтадан $b\in\mathbb{C}P^{n-1}$ вектор йўналишида ўтувчи*

$$l=\{\zeta:\zeta_j=z_j+b_jl,\ j=1,2,...,n,\ t\in\mathbb{C}\}$$

кўринишдаги комплекс тўғри чизиқлар бўйлаб бир ўлчамли голоморф давом эттириш хоссасига эга бўлса, у ҳолда

$$\int\limits_{\partial D}(\zeta_k-z_k)f(\zeta)U(\zeta,z)=0,\ \ k=1,2,...,n.$$

Теорема 2.1.2. *Айтайлик, $f\in L^p(\partial D), p\geq 2$ ва $F(z)-$ D соҳада голоморф бўлса, у ҳолда $F(z)\in H^p(D)$ бўлади ва интегралнинг нормал чегаравий қийматлари соҳа чегараси ∂D нинг деярли ҳамма жойида f билан устма-уст тушади.*

Айтайлик $D-$ $\mathbb{C}^n\,(n>1)$даги, чегараси ∂D боғламли икки марта силлиқ қатъий псевдоқаварик, чегараланган соҳа бўлсин. 1.3.2 (1 боб) ва 2.1.1 теоремалардан қўйидаги натижани оламиз.

Натижа 2.1.1. *Фараз қилайлик $V-$ $\mathbb{C}^n\setminus D$даги очиқ тўплам ва $f\in L^p(\partial D), p\geq 1$ функция Vни кесиб ўтувчи ва D соҳадан ўтувчи деярли барча комплекс тўғри чизиқлар бўйлаб бир ўлчамли голоморф давом эттириш хоссасига эга бўлсин. У ҳолда f функция $F\in H^p(D)$ нинг нормал чегаравий қиймати бўлади.*

Шундай қилиб, ушбу тасдиқда интегралланувчи функциялар синфи кенгаяди.

§2.2 да соҳа ташқарисидаги ҳосил қилувчи кўпхиллик бўлагидан ўтувчи комплекс тўғри чизиқлар оиласи қаралади.

$\Gamma \subset \mathbb{C}^n \setminus \overline{D}$ ҳосил қилувчи кўпхилликдан ўтувчи комплекс тўғри чизиқлар оиласини қараймиз. Эслатиб ўтамиз, агар ҳар бир $z \in \Gamma$ нуқта учун $T_z(\Gamma)$ уринма фазонинг комплекс чизиқли қобиғи $\mathbb{C}^n$ фазо билан устма-уст тушса, унда силлиқ (C^∞ синфли) Γ кўпхиллик ҳосил қилувчи дейилади. L_Γ орқали Γ ни кесиб ўтадиган барча комплекс тўғри чизиқлар оиласини белгилаймиз.

Теорема 2.2.1. *Айтайлик, $\Gamma -$ $\mathbb{C}^n \setminus \overline{D}$ даги ҳосил қилувчи кўпхилликнинг ўсмаси ва $f \in L^p(\partial D), p \geq 2$ функцияси L_Γ оиласидаги деярли барча комплекс тўғри чизиқлар бўйлаб бир ўлчамли голоморф давом эттириш хоссасига эга бўлсин. У ҳолда D соҳада голоморф ва радиал лимитлари соҳа чегараси ∂D нинг деярли ҳамма жойида f билан устма-уст тушадиган $F \in H^p(D)$ функция мавжуд.*

2.2.1 теоремани исботлаш учун бизга қуйидаги тасдиқлар зарур бўлади.

Лемма 2.2.1. *Агар $z \in \mathbb{C}^n \setminus \overline{D}$ нуқта ва шу нуқтадан ўтувчи деярли барча комплекс тўғри чизиқлар бўйлаб f функцияси бир ўлчамли голоморф давом эттириш хоссасига эга бўлса, у ҳолда $F(z)=0$ ва $\alpha=(\alpha_1,...,\alpha_n)$ тартибли (бу ерда $\|\alpha\| = \alpha_1 + ... + \alpha_n \geq 0$) барча ҳосилалар учун*

$$\frac{\partial^\alpha F}{\partial z^\alpha}(z) = \frac{\partial^{\|\alpha\|} F}{\partial z_1^{\alpha_1} ... \partial z_n^{\alpha_n}}(z) = 0.$$

Лемма 2.2.2. Агарда *W да берилган ҳақиқий аналитик функция F*

$$F\big|_\Gamma = 0, \quad \left.\frac{\partial^{\alpha+\beta} F}{\partial z^\alpha \partial w^\beta}\right|_\Gamma = 0$$

шартларини қаноатлантирса, у ҳолда W да у нолга тенг бўлади, бу ерда $W -$ нол нуқтанинг атрофи.

Олдинги параграфдагига ўхшаш, қатъий псевдоқавариқ, чегараланган соҳалар синфи учун интегралланувчи функциялар синфини кенгайтириш мумкин.

Айтайлик, $D -$ чегараланган қатъий псевдоқавариқ соҳа бўлсин.

Натижа 2.2.1. *Айтайлик, $\Gamma -$ $\mathbb{C}^n \setminus \overline{D}$ даги ҳосил қилувчи кўпхилликнинг ўсмаси ва $f \in L^p(\partial D), p \geq 1$ функцияси L_Γ оиласидаги деярли барча комплекс тўғри чизиқлар бўйлаб бир ўлчамли голоморф давом эттириш хоссасига эга бўлсин. У ҳолда D соҳада голоморф ва радиал лимитлари соҳа чегараси ∂D нинг деярли ҳамма жойида f билан устма-уст тушадиган $F \in H^p(D)$ функция мавжуд.*

2.3-параграфда ҳосил қилувчи кўпхилликнинг ўсмаси D соҳада ётувчи ҳол қаралади. Ушбу параграфдаги асосий натижалар қўйидаги теоремалардан иборат.

Дастлаб, Неванлинн хоссасига эга соҳа тушунчасини келтирамиз. Айтайлик, $G \subset \mathbb{C}$ – бир боғламли соҳа ва $t = k(\tau)$ – бирлик доира $\Delta = \{\tau : |\tau| < 1\}$ ни G га акслантирувчи конформ акслантириш бўлсин.

Агарда G да иккита чегараланган голоморф u ва v функциялари мавжуд бўлиб, $S = \partial\Delta$ нинг деярли барча жойида

$$\overline{k}(\tau) = \frac{u(k(\tau))}{v(k(\tau))}$$

тенглиги бурчак чегаравий нуқталар маъносида бажарилса, у ҳолда G соҳа *Неванлинн хоссасига эга* дейилади. Бу эса ∂G да $\bar{t} = \dfrac{u(t)}{v(t)}$ бўлишини билдиради.

Биз G соҳа *кучайтирилган Неванлинн хоссасига эга* бўлсин деб фараз қиламиз, яъни $\mathbb{C} \backslash \Delta$ да $u_1(\tau) \neq 0$ ва $\overline{k}(\infty) \neq 0$.

Теорема 2.3.1. *Айтайлик, Γ — D даги ҳосил қилувчи кўпхиллик ўсмаси, $f \in L^p(\partial D)$, $p \geq 2$ функцияси деярли барча $l \in L_\Gamma$ комплекс тўғри чизиқлар бўйлаб бир ўлчамли голоморф давом эттириш хоссасига эга ва $D \cap l$ кесишманинг боғламли компоненталари кучайтирилган Неванлинн хоссасига эга* бўлсин. *У ҳолда D соҳада голоморф ва соҳа чегараси ∂D да f билан устма-уст тушадиган $F \in H^p(\overline{D})$ функция мавжуд.*

Теорема 2.3.2. *Айтайлик, Γ — D даги ҳосил қилувчи кўпхиллик ўсмаси, $f \in L^p(\partial D)$, $p \geq 2$ функцияси деярли барча $l \in L_\Gamma$ комплекс тўғри чизиқлар бўйлаб бир ўлчамли голоморф давом эттириш хоссасига эга ва $D \cap l$ кесишманинг боғламли компоненталарида $\dfrac{1}{\overline{k}(t)}$ функция $\partial D \cap l$ дан $D \cap l$ га голоморф давом эттирилсин. У ҳолда D соҳада голоморф ва соҳа чегараси ∂D да f билан устма-уст тушадиган $F \in H^p(\overline{D})$ функция мавжуд.*

Олдинги параграфдаги сингари, интегралланувчи функциялар синфи $f \in L^p(\partial D)$, $p \geq 1$ фунцияларигача кенгайтирилиши мумкин.

§2.4 да соҳа ташқарисидаги ҳосил қилувчи кўпхиллик ўсмасидан ўтувчи комплекс тўғри чизиқлар оиласи қаралади.

Чегараси $\partial D \in C^2$ икки марта силлиқ бўлган $D \subset \mathbb{C}^n$ соҳани қараймиз. $\mathbb{C}^n$ фазонинг нуқталарини $z = (z_1, ..., z_n)$, $w = (w_1, ..., w_n)$ ва ҳоказо кўринида белгилаймиз. $z, w \in \mathbb{C}^n$ нуқталар учун мос равишда скаляр кўпайтма ва модуль киритамиз:

$$\langle z,w\rangle=\sum_{k=1}^{n}z_k\omega_k,\qquad |z|=\sqrt{\langle z,\overline{z}\rangle}.$$

Келгусида биз

$$\left\langle b^0,\overline{\zeta}\right\rangle=b_1^0\overline{\zeta}_1+\ldots+b_n^0\overline{\zeta}_n\neq 0 \text{ барча } \zeta\in\overline{D} \text{ учун} \tag{1}$$

бажариладиган $b^0\neq 0$ йўналиш мавжудлигини фараз қиламиз. Агарда 0 нуқта $\overline{D}$дан етарлича узоқда жойлашган ёки $D-$чизиқли қавариқ соҳа бўлса, ушбу шарт ҳар доим бажарилади.

Айтайлик, $\Gamma-$ $\mathbb{C}^n$ фазодаги $\overline{D}$дан ташқарида жойлашган, $(n-1)$ ўлчамли комплекс кўпхилликнинг ўсмаси бўлсин. Силжиш ва унитар алмаштириш бажариш орқали $0\in\Gamma$ ва 0 нуқтанинг U атрофида Γ комплекс гиперсирт

$$\Gamma=\left\{z\in U: z_n=\varphi(z'),\ z'=(z_1,\ldots,z_{n-1})\right\},$$

кўринишга эга деб ҳисоблаш мумкин, бу ерда φ функция $\mathbb{C}^{n-1}$даги нолнинг атрофида голоморф ва $\varphi(0)=0,\ \dfrac{\partial\varphi}{\partial z_k}(0)=0,\ k=1,\ldots,n-1.$

$z\in\mathbb{C}^n$ нуқтадан $b\in\mathbb{C}P^{n-1}$ вектор йўналишида ўтувчи

$$l=\left\{\zeta\in\mathbb{C}^n:\ \zeta_j=z_j+b_jt,\ \ j=1,\ldots,n,\ \ t\in\mathbb{C}\ \right\}$$

кўринишдаги комплекс тўғри чизиқлар тўплами L_Γ ни қараймиз. Юқорида таъкидлаганимиздек, Сард теоремасига кўра, деярли барча $z\in\mathbb{C}^n$ ва фиксирланган $b\in\mathbb{C}\mathbf{P}^{n-1}$ лар учун $l\cap\partial D$ кесишма чекли сондаги бўлакли-силлиқ эгри чизиқлардан иборат ($\partial D\cap l\neq\varnothing$ бўлган ҳол бундан мустасно). Бундан ташқари, агарда $f\in L^p(\partial D)$, $p\geq 2$ бўлса, у ҳолда деярли барча $z\in\Gamma$ ва $b\in\mathbb{C}P^{n-1}$ лар учун $f\in L^p(\partial \mathrm{D}\cap l)$.

$U(\zeta,z)$ Бохнер-Мартинелли ядросини қараймиз ва $f\in L^p(\partial\mathrm{D})$ функцияси учун Бохнер-Мартинелли интегралини аниқлаймиз:

$$F(z)=\int\limits_{\partial\mathrm{D}_\zeta}f(\zeta)U(\zeta,z),\quad z\notin\partial D.$$

Бу параграфнинг асосий натижаси

Теорема 2.4.1. *Айтайлик, $D-$икки марта силлиқ, (1) шартларни қаноатлантирувчи бирбоғламли соҳа бўлсин. Агарда $f\in L^p(\partial D), p\geq 2$* ва *$L_\Gamma$ оиласига тегишли комплекс тўғри чизиқлар бўйлаб бир ўлчамли голоморф давом эттириш хоссасига эга бўлса, у ҳолда f функция D соҳага голоморф* *давом эттирилади. Аниқроғи, $F \in H^p(D)$ ва унинг радиал лимитлари деярли ҳамма жойда f билан устма-уст тушади.*

Эслатма 2.4.1. *Агарда Г ўсма бутун $\mathbb{C}^n$ да берилган $\tilde{\Gamma}$ комплекс гиперсиртнинг бўлагидан иборат бўлса, яъни Г аналитик гиперсирт бутун $\mathbb{C}^n$ га аналитик давом эттирилса, у ҳолда (1) шарт ортиқча бўлиб қолади.*

Шундай қилиб қўйидаги теоремага эга бўламиз.

Теорема 2.4.2. *Айтайлик, D — чегараси боғламли силлиқ бўлган бирбоғламли соҳа, $\tilde{\Gamma}$ — $\mathbb{C}^n$ даги комплекс гиперсирт бўлиб, $\Gamma = \tilde{\Gamma} \cap U \subset \mathbb{C}^n \setminus \bar{D}$ ўсмада $f \in L^p(\partial D), p \geq 2$ функция L_Γ оиласига тегишли комплекс тўғри чизиқлар бўйлаб бир ўлчамли голоморф давом эттириш хоссасига эга бўлсин. У ҳолда f функция D соҳага голоморф давом эттирилади.*

Эслатма 2.4.2. Фараз қилайлик $\gamma \subset \Gamma$, $0 \in \gamma$ кўпхиллик Γ даги C^∞ синфига тегишли ҳосил қилувчи кўпхиллик бўлсин, яъни ҳар бир $z \in \Gamma$ нуқта учун $T_z(\gamma)$ уринма фазонинг комплекс чизиқли қобиғи $T_z(\Gamma)$ уринма фазо билан устма-уст тушсин. У ҳолда 2.4.1 теоремасини қўйидагича кучайтириш мумкин.

Теорема 2.4.3. *Агарда D соҳа, Γ комплекс гиперсиртидаги ҳосил қилувчи γ кўпхиллик ва $f \in L^p(\partial D)$, $p \geq 2$ функция 2.4.1 теорема шартларини қаноатлантирса, у ҳолда $F(z)$ Бохнер-Мартинелли интеграли $H^p(D)$ синфига тегишли бўлиб, унинг радиал лимитлари деярли ҳамма жойда f билан устма-уст тушади.*

«Доиравий соҳаларда бир ўлчамли голоморф давом эттириш хоссасига эга интегралланувчи функциялар» деб номланувчи III бобда, n-доиравий ва доиравий соҳаларда комплекс тўғри чизиқлар оиласи бўйлаб бир ўлчамли голоморф давом эттириш хоссасига эга интегралланувчи функцияларни голоморф давом эттириш масалалари қаралган.

§3.1 да биз $\mathbb{C}^n$ фазодаги B шарда ётувчи $(n+1)$ нуқта орқали ўтувчи комплекс тўғри чизиқлар оиласини қараймиз.

Фараз қилайлик, B – $\mathbb{C}^n$ $(n > 1)$ даги маркази нол нуқтада бўлган бирлик шар, $S = \partial B$ шарнинг чегараси бўлсин. $H^p(B)$ функциялар синфи таърифини эслатиб ўтамиз.

Голоморф функция $f \in H^p(B)$ $(p > 0)$ бўлади, агар

$$\sup_{\varepsilon>0} \int_S \left| f(\varsigma - \varepsilon \nu(\varsigma)) \right|^p d\sigma < +\infty,,$$

бунда $d\sigma -$ ∂B сирт элементи, $\nu(\zeta) -$ ∂B сиртга ζ нуқтада ўтказилган ташқи нормалнинг бирлик вектори. Яхши маълумки, $f \in H^p(B)$ функциянинг нормал чегаравий қийматлари $L^p(\partial B)$ синфига тегишли ($d\sigma$ Лебег ўлчами бўйича).

$z \in \mathbb{C}^n$ нуқтадан $b \in \mathbb{C}\mathbf{P}^{n-1}$ вектор йўналишида ўтувчи

$$l=\{\varsigma:\varsigma_j=z_j+b_jt,\ j=1,...,n,\ t\in\mathbb{C}\},$$

кўринишдаги бир ўлчамли l комплекс тўғри чизиқларни қараймиз. У ҳолда, агарда $f\in L^p(S)$ бўлса, унда деярли барча $z\in B$ ва $b\in\mathbb{C}\mathbf{P}^{n-1}$ лар учун $f\in L^p(S\cap l)$.

Ушбу бобда биз $p\geq 1$ деб ҳисоблаймиз.

$f\in L^p(S)$ функцияси l $(l\cap S\neq\varnothing)$ комплекс тўғри чизиқ бўйлаб *бирўлчамли голоморф давом эттириш хоссасига эга* дейилади, агар қуйидаги хоссаларга эга f_l функция мавжуд бўлса:

a) $f_1\in H^p(B\cap l)$,

b) f_l функциянинг нормал чегаравий қийматлари $S\cap l$ тўпламда f билан устма-уст тушади.

Агарда $f\in L^p(S)$ функция ихтиёрий комплекс тўғри чизиқ $l\in L$ бўйлаб бир ўлчамли голоморф давом эттириш хоссасига эга бўлса, у ҳолда бу функция L *оиласи бўйлаб бирўлчамли голоморф давом эттириш хоссасига* эга дейилади. Агарда $f\in L^p(S)$ функцияси L оиласи бўйлаб бирўлчамли голоморф давом эттириш хоссасига эга эканлигидан f функциянинг Bга голоморф эттирилиши келиб чикса (яъни f функция Sда CR-функция), у ҳолда L тўплами *голоморф давом эттириш учун етарли* дейилади.

L_a билан a нуқталардан ўтувчи комплекс тўғри чизиқлар бирлашмасини, $L_{a,b,c,...}$ билан эса $L_a\cup L_b\cup L_c\cup...$ йиғиндини белгилаймиз.

Теорема 3.1.1. *Айтайлик, $f\in L^p(S)$ функция L_0 оиласи бўйлаб бир ўлчамли голоморф давом эттириш хоссасига эга бўлсин, у ҳолда*

$$\Phi(z,w)=\int\limits_S f(\zeta)Q(z,w,\varsigma)d\sigma(\zeta),$$

интеграли учун

$$\Phi(0,w)=\text{const}\quad ва\quad \left.\frac{\partial^\alpha\Phi(z,w)}{\partial z^\alpha}\right|_{z=0}-\ даражаси\,\|\alpha\|\,дан\ юқори\ бўлмаган\ кўпҳад,$$

бу ерда

$$Q(\mathrm{z},\,w,\,\zeta)=c_n\frac{\left(1-\langle \mathrm{z},\,w\rangle\right)^n}{\left(1-\langle \mathrm{z},\overline{\zeta}\rangle\right)^n\left(1-\langle\zeta,w\rangle\right)^n}$$

Қуйидаги

$$\Phi(z,w)=\Phi(\varphi_a(u),\varphi_{\overline{a}}(\upsilon))=\int\limits_S f(\zeta)Q\left(\varphi_a(u),\varphi_{\overline{a}}(\upsilon),\zeta\right)d\sigma(\zeta),$$

интегралини қараймиз, бунда $\varphi_\alpha(u)-$ $a\in B$ нуқтани 0 га ўтказувчи шар автоморфизми.

$\varPhi_a\left(u,v\right)=\int\limits_S f_a(\eta)Q(u,\upsilon,\eta)d\sigma(\eta)$ деб оламиз. Қўйидаги теорема 3.1.1 теореманинг ихтиёрий $a\in B$ нуқтадаги аналогини беради.

Теорема 3.1.2. *Айтайлик,* $f\in L^p(S)$ *функция* L_a, $a\in B$ *оиласи бўйлаб бир ўлчамли голоморф давом эттириш хоссасига эга бўлсин, у ҳолда* $\Phi(a,w)=const$ *ва* $\dfrac{\partial^a\Phi(a,\omega)}{\partial z^a}$ *– даражаси* $\|\alpha\|$ *юқори бўлмаган* $\varphi_a(w)$ *га нисбатан кўпҳадлар.*

Теорема 3.1.3. *Айтайлик,* $f\in L^p(S)$, $a\in B$ *бўлиб,* $\Phi(z,w)$ *функция қўйидаги шартларини қаноатлантирсин:*

$$\Phi(0,w)=const,\ \Phi(a,w)=const\ \text{ва}\ \frac{\partial^a\Phi(0,w)}{\partial z^a}-\text{даражаси}\ \|\alpha\|\ \text{юқори}$$

бўлмаган $\varphi_a(w)$ *га нисбатан кўпҳадлар.*

У ҳолда $\gamma\cap B$ *комплекс тўғри чизиғига тегишли ихтиёрий* z *нуқтаси учун* w *ўзгарувчига нисбатан* $\Phi(\mathrm{z},w)=const$, $\dfrac{\partial^\beta\Phi(z,w)}{\partial w^\beta}=0$, $\|\beta\|>0$. Бу ерда $\gamma-$ 0 ва a *нуқталардан ўтувчи комплекс тўғри чизиқ.*

Натижа 3.1.1. *Айтайлик,* $f\in L^p(S)$ *функция* L_a, $a\in B$ *оиласи бўйлаб бир ўлчамли голоморф давом эттириш хоссасига эга бўлсин. У ҳолда* $\gamma\cap B$ *комплекс тўғри чизиғига тегишли ихтиёрий* z *нуқтаси учун* w *ўзгарувчига нисбатан* $\Phi(\mathrm{z},w)=const$, $\dfrac{\partial^\beta\Phi(z,w)}{\partial w^\beta}=0$, $\|\beta\|>0$

Натижа 3.1.2. *3.1.1 натижанинг шартларида* $\gamma\cap B$ *комплекс тўғри чизиғига тегишли ихтиёрий* z *нуқтаси учун* $\dfrac{\partial^\beta F(z)}{\partial \bar{z}^\beta}=0$, $\|\beta\|>0$.

Теорема 3.1.4. *Айтайлик,* $f\in L^p(S)$ *функция* $L_{c,d}$, $c,d\in B$ *оиласи бўйлаб бир ўлчамли голоморф давом эттириш хоссасига эга бўлсин. У ҳолда фиксирланган* $|t|<1$ *учун* ω *ўзгарувчига нисбатан* $\Phi(c+(d-c)t,\,w)=\mathrm{const}$ *ва* $\dfrac{\partial^\beta\varPhi(c+(d-c)t,w)}{\partial w^\beta}=0$, $\|\beta\|>0$ *тенгликлари бажарилади.*

Натижа 3.1.3. *3.1.4 теорема шартларида* $\left.\dfrac{\partial^\beta F(z)}{\partial \bar{z}^\beta}\right|_{z=c+(d-c)t}=0$, $\|\beta\|>0$.

Теорема 3.1.5. *Айтайлик,* $n=2$ *ва* $f\in L^p(S)$ *функция* $L_{a,c,d}$, *оиласи бўйлаб бир ўлчамли голоморф давом эттириш хоссасига эга бўлсин, бу ерда* $a,c,d\in B$ *нуқталари* $\mathbb{C}^2$ *даги битта комплекс тўғри чизиқда ётмайди. У* *ҳолда ихтиёрий* $z \in B$ *ва* $\|\beta\| > 0$ *учун* $\dfrac{\partial^{\beta}\Phi(z,w)}{\partial w^{\beta}} = 0$ *бўлади,* $f(\zeta)$ *функция эса* B *га голоморф давом эттирилади.*

3.1.5 теоремадан келиб чиқадики, $B \subset \mathbb{C}^2$ нинг чегарасида берилган интегралланувчи функция учун $L_{a,c,d}$ тўплами комплекс тўғри чизиқларнинг етарли оиласи бўлади, бу ерда $a,c,d \in B$ нуқталари $\mathbb{C}^2$даги битта комплекс тўғри чизиқда ётмайди.

$\mathbb{C}^n$ фазо ва ундаги B шар билан боғлиқ умумий ҳолни қараймиз. A орқали $\mathbb{C}^n$ даги комплекс гипертекисликда ётмайдиган $a_k \in B \subset \mathbb{C}^n$, $k = 1,...,n+1,$ нуқталар тўпламини белгилаймиз.

Теорема 3.1.6. $f \in L^p(S)$ *функция* $L_A = \cup\{L_{ak}, k = 1,2,..,(n+1)\}$ *оиласи бўйлаб бир ўлчамли голоморф давом эттириш хоссасига эга бўлсин. У ҳолда ихтиёрий* $z \in B$ *ва* $\|\beta\| > 0$ *учун* $\dfrac{\partial^{\beta}\Phi(z,w)}{\partial w^{\beta}} = 0$ *бўлади,* $f(\zeta)$ *функция эса* B *га голоморф давом эттирилади.*

§3.2 да бизлар n-доиравий соҳада интегралланувчи функцияларни голоморф давом эттирилиши учун, ундаги $(n+1)$ нуқталардан ўтувчи комплекс тўғри чизиқлар оиласининг етарли эканини исботладик.

Айтайлик, D – маркази нолда бўлган, чегараланган тўлиқ *n-доиравий соҳа бўлсин, яъни* ҳарбир $z^0 = (z_1^0,.....,z_n^0) \in D$ нуқта билан бирга у

$$\left\{z \in \mathbb{C}^n : \ |z_k| \le |z_k^0|, \ k = 1,.....,n\right\}$$

поликругни ўз ичига олади.

U билан $\mathbb{C}^n$ даги комплекс гипертекисликда ётмайдиган $a_k \in D \subset \mathbb{C}^n$, $k = 1,...,n+1,$ нуқталар тўпламини белгилаймиз.Ушбу параграфнинг асосий натижаси

Теорема 3.2.6. $f(\zeta) \in L^p(\partial D)$, $p \ge 1$ *функция* L_U *оиласи бўйлаб бир ўлчамли голоморф давом эттириш хоссасига эга бўлсин. У ҳолда ихтиёрий* $z \in D$ *ва* $\|\gamma\| > 0$ *учун* $\dfrac{\partial^{\gamma}\Phi(z,w)}{\partial w^{\gamma}} = 0$ *бўлади,* $f(\zeta)$ *функция эса* B *га* H^p *синфидаги функциягача голоморф давом эттирилади.*

3.3 параграф доиравий соҳаларда интегралланувчи функциялар учун кўп ўлчамли Гартогс теоремаларига бағишланган.

Айтайлик, D – $\mathbb{C}^n$ да чегараси силлиқ чегараланган соҳа бўлсин. Қуйидагича:

$$l_{z,b} = \left\{\varsigma \in \mathbb{C}^n : \varsigma = z + bt, t \in \mathbb{C}\right\} = \left\{(\varsigma_1,...,\varsigma_n) : \varsigma_j = z_j + b_j t, \, j = 1,2,...,n, t \in \mathbb{C}\right\}$$

комплекс тўғри чизиқларни қараймиз, бу ерда $z \in \mathbb{C}^n$, $b \in \mathbb{C}\mathbf{P}^{n-1}$.

Олдинги параграфдагига ўхшаш, $f \in L^p\left(\partial D\right)$ функция $l_{z,b}$ бўйлаб бир ўлчамли голоморф давом эттириш хоссасига эга ва l_Γ голоморф давом эттириш учун етарли тўплам бўлсин.

Агарда $D \cap l_{z,b}$ кесим ихтиёрий $b \in \mathbb{C}P^{n-1}$ учун кучайтирилган Неванлинн хоссасига эга бўлса, $D \subset \mathbb{C}^n$ соҳа $z \in D$ нуқтада кучайтирилган Неванлинн хоссасига эга дейилади.

Параграфнинг асосий натижалари теорема 3.3.1 ва 3.3.2 лардан иборат.

Теорема 3.3.1. *Айтайлик, $n = 2$, ва D соҳа $a, c, d \in D$ нуқталарда кучайтирилган Неванлинн хоссасига эга, чегараси икки марта силлиқ қатъий қавариқ доиравий соҳа ва $f\left(\zeta\right) \in L^p\left(\partial D\right)$ функция $L_{a,c,d}$, оиласи бўйлаб бир ўлчамли голоморф давом эттириш хоссасига эга бўлсин, бу ерда a, c, d нуқталари $\mathbb{C}^2$ даги битта комплекс тўғри чизиқда ётмайди. У ҳолда $f(\zeta)$ функция эса D га голоморф давом эттирилади.*

U билан $\mathbb{C}^n$ даги комплекс гипертекисликда ётмайдиган $a_k \in D \subset \mathbb{C}^n$, $k = 1,\ldots,n+1$, нуқталар тўпламини белгилаймиз.

Теорема 3.3.2. *Айтайлик, D соҳа U тўплам нуқталарида кучайтирилган Неванлинн хоссасига эга, чегараси икки марта силлиқ қатъий қавариқ доиравий соҳа ва $f\left(\zeta\right) \in L^p\left(\partial D\right)$ функция L_U оиласи бўйлаб бир ўлчамли голоморф давом эттириш хоссасига эга бўлсин. У ҳолда $f(\zeta)$ функция эса D га голоморф давом эттирилади.*

«Интегралланувчи функциялар учун кўпўлчамли чегаравий Морера теоремалари ҳақида» деб аталувчи IV боб соҳа чегарасида интегралланувчи функцияларнинг Морера хоссаларига бағишланган. Олдинги бобларда биз бир ўлчамли голоморф давом эттириш хоссасига эга бўлган функцияларни қараган эдик. Морера хоссаси бу – берилган функциянинг соҳа чегараси билан комплекс тўғри чизиқларнинг кесишмасининг чегараси бўйича олинган интегралининг нолга тенглигидан иборатдир.

§4.1 да чегараланган соҳаларда интегралланувчи функциялар учун чегаравий Морера теоремалари қаралади.

Айтайлик, $D-$ боғламли силлиқ ∂D чегарали (C^2 синфига тегишли) $\mathbb{C}^n\ (n > 1)$ фазодаги чегараланган соҳа бўлсин.

$z \in \mathbb{C}^n$ нуқтадан $b \in \mathbb{C}\mathbf{P}^{n-1}$ вектор йўналишида ўтувчи

$$l = \{\zeta : \zeta_j = z_j + b_j t,\ j = 1,2,\ldots,n,\ t \in \mathbb{C}\} \qquad (2)$$

кўринишдаги бир ўлчамли l комплекс тўғри чизиқларни қараймиз.

Параграфнинг асосий натижаси қўйидаги

Теорема 4.1.1. *Айтайлик,* $f \in L^p(\partial D)$, $p \geq 2$ *ва деярли барча* $z \in \mathbb{C}^n$ *ва деярли барча* $b \in \mathbb{C}\mathbf{P}^{n-1}$ *лар учун Морера шартларини қаноатлантирсин:*

$$\int_{\partial D \cap l} f(z+bt)dt = \int_{\partial D \cap l} f(z_1+b_1t,...,z_n+b_nt)dt = 0. \qquad (3)$$

